

# Тошшоуўжа

„МИФТОҲУЛ=АДЛ“  
ВА  
„ГУЛЗОРДАН“

ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти  
Тошкент — 1962

**Нашига тайёрловчилар:**  
**В. З О Х И Д О В, С. Ғ А Н И Е В А.**



### Пошшоҳўжанинг „Мифтоҳул-адл“ ва „Гулзор“ асари ҳақида

«Мифтоҳул-адл» («Однлик калити») асари қадимий ўзбек адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллайди, у адабиёт ва тил ёдгорлиги сифатида жиддий диққатга сазовор бўлган асардир.

«Мифтоҳул-адл» XVI асрда яратилган ва у «Гулзор» асарининг авторини Пошшоҳўжа Абдулваҳҳобўжа ўғли қаламига мансубдир. «Мифтоҳул-адл»нинг муқаддимасидан маълум бўлшича, бу асар Шайбонийхоннинг ўғли шаҳзода Темурбекка бағишланган.

«Гулзор»га киритилган ҳикоялар ҳар жиҳатдан «Мифтоҳул-адл»нинг ҳикояларига тамомла мувофиқдир, уларни конкретлаштирадиган материаллардир.

«Гулзор» Пошшоҳўжа Абдулваҳҳобўжа томонидан 945/1538—39 йилларда ёзилиб, Ҳоким Қора Баҳодир Султон ибн Жонибекка бағишланган.

Бу маълумотларнинг барчаси «Гулзор»нинг муқаддимасида берилган. Автор унда бу асарни ёзиб тугаган пайтида 60 ёшда эканлиги, Балх шаҳрида яшаганлиги ҳақида сўзлайди. Шарқ традицияси бўйича, асарнинг охирига «Китобнинг сўнгги» деб қўйилади. «Мифтоҳул-адл»нинг кўпгина нусхалари-

нинг сўнгида эса бу ёзув йўқ ва одатдаги «Бисмиллоҳ...»дан кейинроқ «Гулзор» асари бошланаверади. «Гулзор»нинг сўнгида эса «Китобнинг сўнги» берилган.

Аксар қул ёзмаларда «Мифтоҳул-адл» билан «Гулзор» бир китоб шаклида муқоваланган бир китобда берилган.

Бу ҳар икки асар ўзининг тили, стили, приёмлари, гоёви ва бадий хусусиятлари билан ҳам бир-бирини гоёта яқин гуради, ҳатто айтиш мумкинки, улар бир китобдир.

\* \* \*

XVI асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиё тарихида энг мураккаб ва қарама-қаршиликларга бой даврлардан биридир.

Ўзаро талашлар, феодал тузумининг кризиси, феодал ҳукмронларнинг маънавий бузилишлари, феодал клерикал реакциянинг кучайиши, маълум социал ҳукмрон гуруҳлар томонидан давлатни парчалашга қаратилган интилишнинг активлашиши, халқ оmmasи огир аҳволининг янада ёмонлашиши ва меҳнатканаларининг феодал-клерикал ўзбошимчалиги ва зулмга қарши ҳаққоний норозилигининг кучайиши натижасида XVI асрнинг бошида узоқ йиллар бўйи халқни аёвсиз талаб келган, мамлакатни огир аҳволга солиб парчалаган теурийлар сулоласи узил-кесил йиқилди. Унинг ўрнига ундан қолшмайдиған Шайбонийхон, Убайдуллахон каби феодал деспотлари юзага келди.

Гарчи улар мамлакатни сиёсий жиҳатдан бир-мунча бирлаштирган бўлса-да, ўлканинг иктисодий ҳаёти асосан тушқунлик ва парокандаликда қола-

верди, феодал-клерикал ўзаро жанжаллар давом этаверди.

1510 йилда Ўрта Осиёга Эрон подшоси Исмоил ҳужум қилди. Олиб борилган қаттиқ жангларда Шайбонийхон мағлубиятга учради ва қатл қилинди. Эрон босқинчиларига қарши узоқ ва шиддатли курашлар бошланди ва оқибатда ғалаба билан тугалланди. Бу курашларда «Мифтоҳул-адл» китоби бағишланган Муҳаммад Темур Султон катта роль ўйнаган. Аммо бундан кейин ҳам ҳокимлар, султонлар, беклар ўртасида вақти-вақти билан халқ ва мамлакат учун ҳалокатли бўлган ўзаро принцисиз уруш ва жанжаллар, феодал-клерикал фитналар, ўч олишлар бўлиб турадики, булар мамлакат экономикаси ва маданиятига катта зарар келтирарди.

Халқ оммасини ҳаддан ташқари эксплуатация қилиш, жабрлаш орқали ҳокимлар, феодаллар, руҳонийлар катта бойлик тўпладилар. Реакцион гуруҳлар, дин пешволари халқни талабгина кифояланмай, уни руҳан азобладилар, уларнинг онгини диний фанатизм билан заҳарлардилар.

Шунинг айтиши керакки, XVI аср 1 ярмиларида баъзан ўзаро урушлар тўхтаб, мамлакатда бир қадар осойишталик ҳукм суларди.

На феодалларнинг ўзаро жанжаллари, на халқ оммасининг ҳаддан ташқари эксплуатация қилиниши халқнинг ижодий фикрини, яратувчилик фанатизмининг бутунлай тўхтатолмади, сўндиролмади.

Бухорода «Мир Араб» мадрасаси, Масжиди Капон, Қўшминор мадрасаси, Самарқандда Шайбонийхон мадрасаси, Зарафшон тепасида сув тақсимловчи кўприк каби монументаль бинолар қурилди.

Миниатюрист рассомлар мактабининг пайдо бўлиши, бу мактабда шайхзода Маҳмуд, Абдулла.

Ога Ризо каби наққош, миниатюрист санъаткорларнинг стишиб чиқиши диққатга сазовор воқеадир.

Хасан Нисорийнинг тазкираси фан ва адабиёт билан шуғулланган 250) кишининг номини кўрсатади. Булар ичида диний-мистик «фан ва адабиёт» билан шуғулланган кишилар ҳам оз эмас эди, албатта.

Лекин шу билан бирга, улар орасида ўз ижодий фаолиятлари ўша давр парронтига нисбатан бир қадар ижобий характерга эга бўлганлари ҳам анчагина эди. Машҳур Зайноддин Маҳмуд Восифий, Мушфиқий, Биноий, Мажлисий ва бошқалар ўша давр маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлганлар. Шуларнинг қаторида «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» асарларининг автори Пошшоҳужа Абдуваҳобҳужа ҳам бор эди.

Бу даврда агарим иқтисодий ва маданий жонланнишга карамай, халқ қаншоқ ва эзилган ҳолда ҳуқуқсизлигинча, ҳақоратланганича қолаверган. Ҳукмрон техникхўр социал гуруҳлар, ҳокимлар ва феодаллар, амалдорлар ва реакцион руҳонийлар халқни жаҳолатда тутиш, маданиятдан бебаҳра этиш ва бу орқали меҳнаткаш халқни моддий ва маънавий жиҳатдан бўйсундириш, инсон ҳуқуқлари, номус ва қадр-қимматини оёқ ости этиш ва ҳақоратлаш позициясини мустаҳкамлаш учун барча тадбирларни қўллаганлар.

Мана шундай оғир бир даврда, қарама-қаршиликлар авж олган бир шароитда Пошшоҳўжанинг «Мифтоҳул-адл» («Гулзор» билан бирга) асари вужудга келди. Унда давр социал воқелиги ва зидлиятларининг кўнгина муҳим томонлари кўзгуда акс этганидек ўз инъикосини топди.

Асар 15 бобдан иборат бўлиб, дастлаб назарий-дидактик характерга эга бўлган тезислар, сўнгра уларни тасдиқлаш учун турли масаллар, ҳикоялар келтирилади.

Бу асар ягона сюжетга эга бўлмай, ҳикоялар, масаллар тўплами шаклидадир. Шунинг ҳам айтиш керакки, бундаги масалларнинг кўпи қайтадан ишланган фольклор асарларидир.

Автор асарда баъзан ўз замондаги феодализмга жамияти асосларини саклаб қолиш мақсадида социал конфликтларни силлиқлаштиришга, бир-бири билан курашаётган икки қарама-қарши синфларни яраштиришга, шунингдек феодализмга зулмни айрим чалкашликлар орқали, яъни чидаб бўлмаслик даражада оғир ҳаёт кечириётган халқ ичидан чиқиб, феодализмнинг барқарорлигига хавф солаётган кучларга баъзан ёнбосиш орқали синфни курашининг кескинлигини сусайтиришга уринади.

Шунинг айтиш керакки, авторнинг дунёқарашини гоёта қарама-қаршидир. Бу қарама-қаршиликлар автор яшаган замондаги илғор ғоялар билан реакция, қоғоқ ғоялар ўртасидаги иккиланганини кўрсатади.

Асарда ҳаётбахш оптимистик характердаги ҳикоя ва масаллар анчагина. Булар кишиларни реал ҳаётни севишга, шу ҳаёт масалалари билан шуғулланишга, инсоннинг шу реал ҳаётдаги бахти учун хизмат қилишга, яхши турмушга чақирадики, улар мавжуд ҳоким ёвузликни ва зулмни тугатишни тақозо қилади.

«Мифтоҳул-адл» («Гулзор» билан бирга) диний-мистик мазмундаги масаллари билан эмас, балки худди шу илғор ғоялар билан суғорилган ҳикоялар билан қимматлидир.

Асарда яна шундай ҳикоялар борки, улар диний

пардада бўлса-да, лекин узларининг моҳияти ва асосий гоялари билан ўша замон шаронтига шибган илгор характерга эга эди.

Кичик ибратли ҳикоялар, мазмунли масаллар Шарқ бадини адабиётида ва ўрта аср ҳамда уйғонш даври Европа адабиётида кенг тарқалган эди. Низомий Ганжавий, Саъдий, Абдурахмон Ҳомий, Алишер Навоий каби доҳий шоирларнинг ижодида ҳам бундан асарларни кўплаб учратамиз.

Реал ҳаёт лавхаларини аёс этдирувчи бу кичик ҳикоялар ва мазмундор масаллар катта таъсир этиш кучига эга бўлиб, китобхон ва тингловчига бирор гоя ва ахлоқий таълимни образли ва тушунарли формада етказадилар.

Ҳикоя ва масалга ўхшаш кичик ҳажмга эга булган жанрлар автордан юксак санъат, зўр таланти ва кўн билимга эга бўлишни талаб қилади.

«Мифтоҳул-адл» («Гулзор» билан бирга) маша шундай катта санъат талаб қиладиган новеллалардан иборатдир. Унда ҳақиқатан ҳам ажойиб санъат билан ишланган, ижобий, илгор гояларни ташувчи ҳикоялар кўпдир.

Халқ узоқ вақтлардан буён бахтли ҳаёт ҳақида ҳаёл суриб келган, лекин ўша даврдаги социал шаронт бу ҳаёлни рўёбга чиқишига тўсқинлик қилган. Исқандар Зулқарнайи ва дарвини шаҳзода ҳақидаги ҳикояда худди шундай туйғу ва орзулар баён қилинади.

Матълумки, феодализм даврида конкрет тарихий шаронт туфайли ҳатто улуғ кишилар ҳам эксплуатацияга асосланган тузумни йўқотмай туриб жамиятни соғломлаштириб бўлмаслигини, зулмдан, золимлардан, очлик-яланғочликдан, ҳуқуқсизлик ва маданиятсизликдан қутулиш мумкин эмаслигини тушуна олмаганлар. Улар золим шоҳни адолатга



чақириш, унга панду насихатлар бериш билангина ҳал этиш мумкин, деб ўйладилар.

Улар одил шоҳнинг бўлиши мумкинлигига ва унинг халқ орзу ва интилишларини амалга ошириб, жамиятдаги ёвузлик ва барча иллатларни тугатиш мумкин, деб ишондилар.

«Мифтоҳул-адл»даги бир қатор ҳикояларда ана шундай қарашлар ўз аксини топган. Бу ҳикояларда шунинг билан биргаликда ҳукмдорлар ва улар малайларининг деспотизми ва жабру зулми, уларнинг халққа ва мамлакатга нисбатан диний муносабатлари, жабру жафолари фош этилади.

«Мифтоҳул-адл» ўзбек тили ва тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, кўп қимматли ва бой материал беради.

Асар жокли халқ тилида ёзилган бўлиб, унда мураккаб, формалистик безаклар, тушунилмайдиган ёки оғир жумлалар кам учрайди. Асар кўп асрлар бурун яратилганига қарамай, ҳозир ҳам равон ўқилади. Асарнинг яхши хислатларидан бири шуки, ундаги ҳикоялар мазмунини хиралаштириб қўядиган кераксиз ва ортиқча тасвирлаш, баён қилиш учрамайди, ихчамлик ва аниқлик мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Мифтоҳул-адл»нинг автори айрим ҳикояларнинг бош қаҳрамонлари қилиб оддий кишиларни -- халқ вакилларини олади. Бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси доно ва иродали, виждонли ва одил шахслар сифатида тасвирланган. Улар ифлосликни, ярамасликни ва ноҳақликни қоралайдилар, зўравонлар ва талончиларни лаънатлайдилар. Улар ёвузлик олдида қўл қовуштириб ўтирмайдилар, балки ҳаракат қиладилар, ўз манфаатларини химоя қиладилар, мақсадларига эришадилар. Ҳикоялардаги қаҳрамонларнинг

ёқимли қисфаси, хагги-ҳаракатлари, софдиллиги  
Уқувчида уларга нисбатан ҳурмат уйғотади.

«Мифтоҳул-адл»нинг автори Низомий Ганжавий,  
Алишер Навоий асарларидан ҳам кенг фойдаланган,  
бу билан у Низомий ҳамда Навоий асарларини ўз-  
бек китобхонлари оммаси орасида ёйиш ва тарғиб  
қилиш ишига катта ҳисса қўшган.

«Мифтоҳул-адл» (ва «Гулзор») ўтмиш ўзбек  
адабиёти ва ижтимоий оини тарихида муҳим ўрин  
эгаллайди, шунинг учун ҳам бу асарлар зўр диқ-  
қатга сазовордир.

*ВОҲИД ЗОҲИДОВ,  
СУЙИ МА ҒАНИЕВА.*

•

#### „МИФТОХУЛ-АДЛ“ МУҚАДДИМАСИДАН

..Нямъ қилдим бу китобни туркий тилина, тақи бу китобга «Мифтоҳул-адл» от қўйдим. Кўрклук кони, кўрклул султони давлат, саодат шоҳи шаҳзодаи муаззам Темурбек хазинасига табаррук учун тақи бу китобни баён ва тасниф қилмоқға сабаб ул эрдиким, олимлар айтибдурларким султонларға ва бекларға ва улуғларға хизмат қилмоқ уч турлук турур. аввал тан хизмати иккинчи. тил хизмати учинчи, кунгул хизмаги. Аммо тан хизмати ул турурким, қапуда туруб хизмат қилса, тақи тил хизмати ул турурким, донм тил бирла дуо қилса, тақи кунгул хизмати ул турурким, ҳар ким бу китоб бирла амал қилса, икки дунёда эзгу оти чиққай, иккинчи — ўлганидин сўнг ул кишига гўр азоби бўлмағай. Учинчи — қиёмат куни олимлар бирла, одил султонлар бирла учмоқға киргай. ишшоаллоҳу таоло. Ва яна бу китобни ун беш боб за муҳтасар қилдук.

1 Боби аввал — олимларнинг баёнин қилур.

2 Иккинчи боб — одил султонларнинг баёнин қилур.

3 Учинчи боб — зolimларнинг баёнин қилур

- 4 Тўртинчи боб — султонларга мутеъ бўлмоқнинг баёнин қилур.
- 5 Бешинчи боб — султонлар вазирларга машварат қилмоқнинг баёнин қилур.
- 6 Олтинчи боб — ҳукм қилмоқнинг баёнин қилур.
- 7 Еттинчи боб — даъво қилмоқнинг баёнин қилур.
- 8 Саккизинчи боб — оил ичмоқнинг баёнин қилур.
- Туққизинчи боб — угурлиқ қилмоқнинг баёнин қилур.
- 9 Унинчи боб — зинно ҳаддининг баёнин қилур.
- Ўн биринчи боб — казаф ҳаддининг баёнин қилур.
- Ўн иккинчи боб — шароб ҳаддининг баёнин қилур.
- Ўн учинчи боб — таъзир қилмоқнинг баёнин қилур.
- Ўн тўртинчи боб — ғазот қилмоқнинг баёнин қилур.
- Ўн бешинчи боб — сайд қилмоқнинг баёнин қилур.



## „МИФТОҲУЛ-АДЛА ДАН

### Ҳ И К О Я Т

Кунлардин бир кун бир подшоҳ бор эрди. Бис-  
ёр одил эрди. Вир кун бир вазирини айди: ҳаж  
тавоф қилмоқға борурман, сан борурмусан? Вазир  
айди: эй подшоҳим, тахтни буш қўюб Каъбага бор-  
сангиз эл-халойиқ боштоқ бўлмасму, теди. Подшоҳ  
айди: боштоқ бўлмас, йўқ эрса, менга ҳаж қилгон  
ҳожининг савобин сотгун олиб беринг, қиёматда  
ҳожилар бирла тургайман. Вазир «подшоҳ учун  
ҳаж сотгун олмоқ керак» деб истаб юрар эрди, бир  
кымарсаға йўлуқти. (Ул киши) айди: фалон ерда  
бир зоҳид бортурур. Йнгирма қатла Каъбага ёёр  
борибтурур ва тақи ҳаж қилибтурур ва ҳеч киши-  
нинг ошин емас, анга боринг. Ул бир ҳаж сотса,  
подшоҳ учун олинг. Бориб ул зоҳидни подшоҳга  
олиб келдилар. Подшоҳ айди: эй зоҳид, бир йўли  
қилгон ҳажининг савобин бизга сотурмисан? Зо-  
ҳид айди: неча олурсиз? Султон айди: минг қизил  
танга берайин. Зоҳид айди: минг қизил танга о-  
турур. Султон айди: эй зоҳид, оз бўлса, ун  
минг қизил танга берайин. Зоҳид айди: оз  
гурур. Султон айди: ўзинг на тиласанг тилагил.  
Зоҳид айди: эй подшоҳим, бир ҳаж на бўлғай, йн-  
гирма ҳажимнинг савобини санга берайин, сан бир

соат адл қилгонининг савобини манга берсанг. Султон айдн: эй зоҳид, бир соат адл қилгонининг савоби на булур? Зоҳид айдн: бир соат адл қилгонининг савоби одамларнинг, фаришталарнинг ва ҳурларнинг ибодатидан орғиқ турур.

## Ҳ И К О Я Т

Кунлардан бир кун, Султон Маҳмуд Газнавий золим эркан. Онинг бир вазирн бор эркан Хужа Ҳасан отлинг; бисер оқил ва доно ҳам одил. Бир кун Султон Маҳмуд бирла иккилари овга чиқиб борур эрдилар. Ногоҳ шаҳарнинг қиргогинда икки бойқуш сўзлашур эди. Вазир айдн они кўруб, оҳ, дарнго, тедн, йнғлади. Султон сўрди: не учун йнғларсан? Вазир айдн: бу икки бойқушнинг сўзинга йнғларман, тедн. Султон айдн: не? Вазир айдн: ул бир бойқуш бул бойқушга айтатурурким, иккимиз қуда бўлайлик, қизингни маннинг ўғлумга бергил, тақи қолнн не тилар бўлсанг берайн, дер. Ул айтатурур: маннинг қизимнинг қолншига хн минг бузуг уй кераклур. Ул айтатурур: агар Султон Маҳмуд тирик бўлса, бир йилдин сўнг юз минг уй десанг ҳам берайн, тедн. Ман шул сўзга йнғладим. Султон айдн: ман шунингдек золимтурурманким, маннинг зулмидин бир йилда юз минг уй хароб бўлур?! Вазир айдн: андоқ эрмиш. Султон айдн: не қилмоқ керак? Вазир айдн: адл қилмоқ керак ва тақи зулм қилмоқдин тавба қилмоқ керак, тавбадан яхши нимарса йўқтурар. Султон айдн: тавба қилсам, олло таоло гуноҳларимни кечарму? Вазир айдн: кечар, пайғамбаримиз айтибдулар: ҳар киши гуноҳдин тавба қилса, гуноҳ қилмағондек булур, Султон бу сўзни эшитти эрса, овга бормади, уинга келди. Қилгон ишларидан тавба

қилди ва тақи ҳаргиз зулм қилмади, адл қилди. Ондии сўнг кундуз адл қилар эрди. кечалар дарвишларнинг либосини кийиб, эшикдан эшикка юрур эрди: қайда бир тул хотун ё бир мискин бўлса, анга эҳсон қилур эрди.

#### Ҳ И К О Я Т

Кунлардан бир кун Луқмони Ҳаким аввал бир қул эрди. Хожаси бир кун айди: ё Луқмон, фалон ерга бориб, арпа экил, фалон ерга бориб бугдой экил, теди, эрса Луқмон бориб, арпа экил деган ерга бугдой экти, бугдой экил деган ерга арпа экти. Қачонким экни тамом бўлди, эрса Луқмоннинг хожаси келди, кўрдиким, арпа ерида бугдой экилмиш ва бугдой ерида арпа экилмиш. Хожаси айди: нечун мундоқ қилдинг? Луқмон айди: мен гумон қилдимким, арпа еринда бугдой битар ва бугдой еринда арпа битар, деб, андоқ қилиб эрдим. Тақи Луқмон айди: эй хожа, нечукким ёзуқ ўрнида савоб битар, савоб ўрнида ёзук битар? Туну кун зулм қилурсан, тақи қиёматда савоб умид этарсан. Хожаси бу сўзни эшитти, эрса бир оҳ урди, жамиъ эткан гуноҳларидан тавба ва истиғфор қилди ва ҳам Луқмонни озод қилди.

Эмди билмоқ керакким, ҳар ким бу дунёда не экса, они ўрар.

#### Ҳ И К О Я Т

Кунлардин бир кун, Султон Маҳмуд Ғазнавий Дёзниц хослардин зиёдроқ яхши-кўрар эрди. Бир кун бир вазири айди: ё Султон, Аёз айтатурким, Султон ҳар вақт мапинг қулогимга сўз айтур бўлса,

онинг оғзининг иесиди чидам тура билмасман, та-  
қи бурнимни ва оғзимни тутарман, теди. Султон  
айди: ҳоло тонг бирла боқайим, агар рост бўлса,  
ман билгайман анга не қилгайман, тегоч бу вазир  
уйнга бориб тунмоч деган ош буюрди, айди: сарим-  
соқни кўи солгайсиз, теди. Тақи узи ташқари чиқ-  
ди. Курарким, Аёз хос боратурур. Бу айди: Султон  
боши учун бир замон уйга гушқил, теди. Аёз  
тушти. Андин сунг шул буюрган ошни олиб чиқди,  
Ул, ошдин бир коса ош ичди, ондин сўнг отланиб  
Султон хизматига борди. Султон Аёзни кўрди, эр-  
та вазирнинг сўзи ёдига келди. Аёзни чақирди.  
Аёз ени бирла бурун тутуб келдиким, саримсоқ  
иен Султоннинг бурнига бормосун, деб. Султон  
гумон қилди, вазирнинг сўзи рост эркан деб. Бир  
хаг ёзиб муҳр қилиб Аёзнинг қўлига берди, айди:  
бу хатни фалон шаҳарга олиб бергил, санга харж-  
лик минг олтун берсун. Хаг ёзиб эрди: бу хатни  
олиб боручини сўзлатмайини ўлдургайсан, деб эрди.

Бу хатни Аёз олиб борагурғонда саримсоқ солиб  
ош берган вазир кўрдиким, Аёз боратурур. Сўрди-  
ким, не ерга борурсан? Айдиким манга Султон  
фалон шаҳардин минг тилло харжлиқ учун (олмоқ-  
қа) хат берди. Вазир айди: шул хатни манга бер-  
санг, ман бориб, минг тиллони санга келтуруб бе-  
райини, ўзунг биласан — манга ҳарпа берсанг олур-  
ман, мен зиёда кам харж бўлубман, деб ғадр қил-  
ди, эрса Аёзнинг раҳми келиб хатни қўлига берди.  
Ул вазир хатни олиб ул шаҳарга борди. Ул  
хатни олиб кўргач, ул вазирни улдурдилар, ёни-  
даги одамлари қочиб Султонга келдилар. Эрса Сул-  
тон Аёзни чақиртириб сўрдиким, вазирнинг шул  
айтғон сўзи ростму, этгил, теди. Аёз онт ичти,  
айтғоним йўқ, деб. Султон айди: ул кун нечун оғиз-  
буригини тутуб келдинг, теди. Аёз айди: ул кун



сизга келур эрдим. Пўлда вазир уйга тушуруб бир коса ош бериб эрди, ул ошнинг саримсоқи кўп эркан, саримсоқ пси сизга келмасун деб оғиз-бурнумни тутуб келдим, деб жавоб берди. Ондни сўнг подшоҳ хушвақт бўлуб, Аёзга сарполар бериб, от миндуруб йнборди.

## Х И К О Я Т

Кунлардан бир кун Исқандар Зулқарнайн Ҳамадон шаҳрига келиб хирож талаб қилди. Ҳамадон беги баҳодир эрди, хирож бермади, урушти. Тақибекнинг оти (Доро) эрди. Печаким уруштилар, Дорони енга билмадилар. Исқандар айди: не хийла қилиб Дорони тутгаймиз? Вазирлар айди: Доронинг бир иноқ қули бор, элчилар йнборинг, тақибекнинг сиз Дорони ўлдурасиз, ҳарна муродингиз бўлса ош қилурмиз. Исқандар элчи йнборди. Шу сўзни айтиб элчи боргандни сўнг шу хабарни айтибтурсур. Ондни сўнг ул иноқ икки қул бил кеча Исқандарнинг ёнига келиб ваъдани бир ерда қўюб ўлдурмоқчи бўлдилар. Ондни сўнг Исқандарнинг бир оти Зулқарнайн эрди. Яна Исқандар айди: сиз иккингиз Дорони ўлдурсангизлар, лашкарда барчани юқори ўрун берайин, деб ваъда қилди, эрса бу қуллар бош урдилар. Тонгласи икки лашкар бир-бирисига саф тортиб рўбарў бўлдилар. Ондни сўнг бу икки иноқ қул Дорони ўлдуруб бошани олиб келдилар, эрса Исқандар Дорони буюрдиким яхши қилиб эъзоз қилиб кўминглар, ондни сўнг Дорони кўмгон ерда икки дор қилинг, бу икки иноқ кулни ўлдуринг, дорга осинг, деб амр қилди. Ул қуллар айдилар: эй Исқандар, бизга не ваъда қилиб эрдинг? Одил турурсан, печун золим султонлартек ваъдани бузарсан? Исқандар айди: ман ваъдани

бузмасман. Доро сизларни мунча йил тарбият қилиб сизларга урун берди, шартимга бутунман, вале сизлар хон турурсизлар, мунча вақтдан бери Доро сизларни тарбият қилиб асради, сизларга урун берди, анинг ҳақини билмадингиз, анга ёмонлик қилдингиз, ўлдурдингиз. Эмди менинг ҳақимни тақи билмассизлар. Эмди бу лашкарда сизларга юқори урун берурман, — дор турур, — ман шартимда турурман. Сизларнинг жазойингиз бу турур.

### Ҳ И К О Я Т

Баҳром гўр отлиғ бир подшоҳ бор эрди. Доим икки ирға мангул бўлуб ишрат қилур эрди. Узининг бир вазир бор эрди. Оти Росгиравшан эрди. Ҳарнаким қилса ул қилур эрди. Подшоҳ ани эътибор қилиб эрди. Ул Росгиравшан халойиқларга зулм қила бошлади. Халоник барча кўчиб кета бошлади, эл — улусу барчалари торхашди, шаҳарлар хароб, казинага мол кирмас бўлди.

Бир кун бир элчи келди, айди: эй подшоҳ, фалон бек сизга ёғи булди, чирик торғиб келатурур. Баҳром бу сузни эшитти, эрса ҳанрон булди: манинг қулум манга нечун ёғи бўлди. Хазина очтурди, кураким моли йўқ, чиринь йиғилсун геди, кураким чириги йўқ. Фикр қилди, бу ишга не тадбир қилойин, теб силоҳу совутин кийди, отланиб ёнга чиқти, онча юрудиким, сувсади, узоқдан бир чодир кўришти, борди эрса кўрарким чодирнинг чиқиндида бир игни дорга осиб қўймишлар. Бир киши чиқди, Султон айди: не киши турурсан? Ул киши айди: кўнчи турурман, деб подшоҳни тушурди, Ош келтурди. Султон айди: сувсаб турурман. Манга сув бергал. Сув берди. Андин еўнг подшоҳ

айди: бу итни нечун осиб турурсан? Ул айди: бу ит манинг итим эрди, қўйларимни боқар эрди, эр-га бирла ўтга олиб борур эрди, кечалар қўноққа олиб келур эрди. Бир кун қўйларимни санадим, эрса кам келди, тақи иккиламчи кунни ҳам санадим, яна эксук келди, ажойибға қолдим. Туш вақтда ёлғиз қўйларга келдим, кўрарманким, бир мода бўри келди, бу ит ул бўрнини кўрди, ёнига борди. Иккиси жуфтлашди. Ондин сўнг ит ийроққа бориб ётти, ул бўри қўйларнинг орасига кириб, куп қўйларни нобуд қилди. Ҳар печаким қичқирдим ва фарёд қилдим, ит ериндан турмади, охир қўйларни суруб уйга келтурдим. Ва яна хиёнат қилгани учун бу итни дорга осиб ўлтурдим. Они кўруб ўзга итлар хиёнат қилмасунлар деб, дорга осиб қўйдим.

Баҳром подшо бу сўзни эшитти, эрса айди: ажаб эрмас, бу ишлар вазирнинг хиёнатидин келмиш бўлгай, тақи кўнглига айди: мундин боргандин сўнг вазирни чоқириб сўрашмоқ керак. Ондин сўнг уйга келди, амр қилди вазирни чақиринг, теб. Вазирни олиб келдилар. Амр қилди. Зиндонга олиб боринг. Зиндонга олиб бордилар. Ондин сўнг айди: жамиъ халойиққа жар урдурингим, вазирга ҳар ким ноҳақдин бир танга берган бўлса икки тангасин олсун, деб амр қилди ва яна сўрдиким, зиндонда ҳар неча киши бўлса олиб келинглар, теди. Ондин сўнг зиндонда ҳарна бор кишиларин олиб келдилар. Баҳром бирисидин сўрди: неча йил бўлди, зиндонда ётурсан? Ул айди: уч йил бўлди. Баҳром сўрди: на гуноҳинг бор эрди? Ул киши айди тақсир подшоҳим, ман бозиргон эрдим, бу шаҳарга инжу олиб келдим, бир шода инжунни даллолга сотмоққа бердим. Вазир ул инжунни кўрмиш, ондин сўнг мани чақириб савдо қилиб олди, анинг баҳосин сўраб бордим, эрса мани тутуб зин-

донга солди. Уч йил бўлди, зиндонда ётурман, теди.

Баҳром яна биридин сўрди: сан зиндонга нечун кирдинг? Ул айди: ман фалон маҳаллада бир бой эрдим, фақирларга ва мискинларга ош, нон, закот ва ушр берар эрдим. Бир кун вазир мани келтуруб айди: сан на учун мунча харж қилурсан? Бир ерда ганж топгон бўлғайсан. Ман айдим: ганж топганим йўқ. Ондин сўнг жамиъ молимни олиб узумни зиндонга солди, эрса икки йил бўлди зиндонда ётурман, теди.

Ондин сўнг подшоҳ яна биридин сўрди. Ул айди: ман сизнинг баҳодирингиз эрдим. Манга вазирдан улуфа буюрдингиз. Бориб тиладим, эрса манга бермади. Вазир айди: подшоҳнинг ва навкарларнинг кишилиги манинг бирлатурур. Бир соатда подшоҳни йўқ эта билурман. Иномасанг ҳоло сани зиндонга солдурайн, деб тутуб мани зиндонга солдурди.

Алқисса, зиндонийлар етти юз киши эркан, шул етти юз кишидин йигирма киши гуноҳлиг чиқди, ондин бошқалари ҳама бегуноҳ эркан.

Алқисса, буюрдиким, вазирнинг уйига боринг, дафтарларни олиб келинг. Бориб вазирнинг уйидин дафтарларнинг келтуруб боқиб, кўруб ўлтуруб эдилар, шуларнинг орасидин бир хат чиқди. Ўқуб кўрсаларким, саломнома турур. Мазмуни буким: эй фалон подшоҳ, ман вазир Ростиравшандин санга кўпкўп салом. Баҳром тун-кун ичсу ичар, тақни ихтиёри ҳарна манда турур, хазинада мол қўймадим, элининг яхшилариини йўқ қилдим, ишқа ярамаслари қолди. Эмди бу тарафга лашкар тортиб келиб тахтни олгил. Баҳромни ўлтургил, ман санинг вазиринг бўлайин, деган хат ёзиб турур. Ондин сўнг Баҳром буюрди, бир дор ясадилар, вазирни олиб

келиб бу дорга осдилар. Ондин сўнг ҳар кишидан зулм қилиб олгани не бўлса, буюрди, ҳисоб қилиб бердилар (эгаларига). Тақи ул ёғи бўлуб келатургон подшоҳ бу хабарни эшитгач, ўз юртина қайтди. Баҳром гўрга узр қилиб яхши моллар ва яхши нарсалар наликаш қилиб юборди ва яна айди: мани қўймагон сизнинг вазирингиз эрди.

Эмди султон ё бек бўлгон киши вазирга ишониб гофил бўлмоқ керакмас. Ва яна подшоҳ ё бек бўлгон киши бир навкарин бир шаҳарга бекликка юборса, яширини ва яна бир ғаразсиз кишини ортинча юбормак керак, адл қилурму ё зулм қилурму...

#### Ҳ И К О Я Т

Кунлардин бир кун Нўширавони одил Озарбайжон шаҳрида кишинини амалдор қилиб юборди, ул кишига кўп насиҳатлар қилди, айди: зинҳор халойиқга зулм қилмагайсан. Ул вақтда Нуширавон ўн саккиз ёшанда эрди, ул кишини юборди, алқисса ул шаҳарга борганидин сўнг адлу дед қилиб неча вақтлар ўтти, зиёда кўп моллар жамъ қилди, ондин сўнг шайтон оздирди, золим бўлди. Ул шаҳарда бир тул хотун бор эрди, ул хотуннинг бир нарча ери бор эрди, ерни ярим йилга бериб узра олур эрди. Аленг молидан бир йилга тегру тўрт нон кунда бўлур эрди. Ул нонларнинг бирин бериб шамъ олур эрди ва бирин бериб ўтун бирла сув олур эрди. Ноннинг ўзгасини ўз маошига сарф қилур эрди. Бу тариқа бирла рўзгорин кечуриб юрур эрди. Ва ул Озарбайжон шаҳрининг қошинда бир бог бино қилди... Ул ерни бу хотундин тилади. Хотун айди: бермасман, бу ер манга мерос қолгондур деб ва яна ҳам суви кўн турур ва тақи кўншулари яхши одамлардин деб жавоб берди. Ул

ҳоким бу ерни куч бирлан олиб уз ерига қўшти. Ондин сўнг ул хотун нонлож булуб ул ернинг пулини тилади. Ул ернинг ҳақин ҳам бермади. Ондин сўнг ул хотун нонлож булуб кўнглига айтди: Эмди бўлмади, тадбир шулким, мунинг султони Нуширавон турар, шунинг ёнига бориб арз қилмасам булмас, деб Мадойини шахрига равон бўлди. Алқисса, печа кундан сўнг Мадойини шахрига борди, эрса Нуширавон қушқа бормиш экан, ул хотун айтди: эмди Нуширавоннинг келатургон йулида ўлтуриб шул ерда арзимини айтай деб бир бутанинг паноҳина ўлтурди. Ондин сўнг Нуширавон бир кийикка куш солиб эрди, ногоҳ ул кийик бу хотунинг ўлтургон ерига қочиб келди, эрса хотун туруб Нуширавонга салом берди. Нуширавон сурди: не сўзинг бор? Ондин сўнг ул хотун ҳарна бўлгон воқеаларни бир-бир баён қилди, эрса Нуширавон буюрдиким, бул хотунни бир улоққа миндуруб фалон шаҳарга олиб боринг, ҳар кун хўрак беринг. Тақи айди: юз олтун харжи берингиз ва яна ҳар қачон ман киши юборсам олиб келгайсиз деб амр қилди.

Озарбайжон беги ҳам Нуширавон хизматиға келур эрди. Алқисса, Нуширавон ёнига ул бек келди. Ондин сўнг Нуширавон бир яхши кишини амин қилиб Озарбайжон шахрига юборди, айди: фалон даҳада бир тул хотун бор эрди, сўргилким, қайда борубдур, печун кетибдур, ҳарна бўлгон воқисаси бўлса, ростин келиб барча беклар ўлтурганда айтиб хабар бергил, деб юборди. Ондин сўнг ул киши ул шаҳарга бориб ул хотуннинг даҳасига борди, сўрди. Қўншулари айдилар: «Бу хотуннинг бир парча ери бор эрди, шул ердин маош қилиб ўлтуруб эрди, ҳоло ул ерни куч бирла ҳоким олди, эмди бир ой бўлдиким билмасмиз ул хотун қайда бормиш бўлғай» — деб жавоб бердилар.

Ул амин киши бул сүзни эшитти, эрса қайтиб Нўширавон шаҳрига келди. Туш чоғи эрди, барча беклар, амирлар бор эрдилар. Келиб Нуширавонга салом берди: Нуширавон сўрди: қайда эрдинг? Бу амин айди, эй подшоҳим, мани амин килиб фалон хотуннинг сузига юборуб эрдингиз, ондин келурман. Ондин сўнг Нўширавон айди: кўрган билганингни айғил, деб амр қилди. Ул амин баёни воқияни борни баён қилди. Нўширавон айди: эй беклар, Озарбайжон бекидин суринг, не чоғлиг моли бор экан. Сурдилар. Ул айди: буларнинг ҳамасидин манинг молим зиёдтурур, геди ва яна сурдилар: мундин борғонда не миқдор молинг бор эди? Онда айди: молим йўқ эрди. Нуширавон айди: раво булғойму онча молинг бўлуб, бир тул хогуннинг бир парча ерин куч бирлаи олмоқ, теди. Беклар айдилар: ёмон қилибдур. Ондин сўнг буюрди, ул хотунни олиб келдилар. Нўширавон айди: бек бирла иккиларни сўзларин сўрунг. Сурдилар, эрса хотуннинг сўзи рост булди, эрса ондин сўнг Нуширавон буюрдиким, бекини тириклайин теридин чиқоринг. Бекини тирик теридин чиқордилар. Ондин сўнг этини итларга бердилар. Ондин сўнг ул олган ерни ва яна бекининг боғини ҳамасин юз олтун бирла ул хогунга бердилар, яна ҳам бир киши зулм қилиб, молин олгон бўлса унинг молдин берингиз деб амр қилди. Ондин қолган молларни дарвишларга сарф қилинг, теди.

Тақи айтибдурларким, қаю хазинага зулмнинг бир ақчаси кирса ул хазинани йиқмайин қўймас. Тақи, бекларга айди: эй беклар, сизларга икки ой муҳлат бердим, ҳар кимдин зулм қилиб парса омиш бўлсангизлар, қайтариб жойинга қўйгайсизлар. Эй беклар, икки ойдин сўнг мундаини қилдирурман, ҳар кимдин бир донки зулм қилиб олгон бўл-

...из, си...ки бу бекдек ултурурман, деб амр қилди. Барча беклар уйларига келдилар, халойиқда мунодий қилдирдилар: кимнинг кимда ҳақи бўлса кел: олеун, деб. Ондин сўнг Нуширавон айти: бир занжир тuzаттуруб келтурунг, бир учини маъинг тахтимга боғлабг ва яна бир учини тошқорувга боғлабг, шул занжирга занглар тақинглар. Тақин хар кишига зулм этса, шул занжирни ерпатса, тошини маи эшитганман, деб амр қилди, эрса андоқ қилдилар. Кунлардан бир кун занжир келбрани. Султон буюрди: чиқиб боқинг, ким турад? Боқинлар, эрса бир қўтур эшак занжирга ўзун уратурса, эшакни қувиб юбордилар, келиб Нуширавонга андилар: хеч киши йўқ эркан бир қари эшак занжирга узи суртур эркан, қувиб юбордик. Нуширавон айти: ул эшак биздан дод истар эркан, эмди бориб ул эшакнинг эгасини икки қўншуси бирла олиб келинг, теги ва яна ондин сўнг бориб сурдилар, билатурганлар андилар: бу эшак буёқчиники турур, ҳар кун мунга тўнлар ва бўзлар юклаб, сув бошига борур эрди. Эмди бу эшак қари бўлди ва арқаси яғир бўлди, эрса эгаси мун озода олибдур, ўт хам бермайдур, борса уруб қоватурур, эмди оч бўлуб, кўчаларда юргонда ўғлонлар хам тош бирла урарлар, теги. Эрса эгаси бирла икки қўншуси бирла олиб келдилар, тақин сўзларни айдилар, тақин Нуширавон икки қўншусидин сурди, рост айтурму? Улар айдилар: рост айтур. Ондин сўнг амр қилди: бу эшакка ҳар кунда икки ботмон емин берсун ва тақин бир ахтахона ясасун ётмоқиға, ва агар андоқ қилмаса сизлар келиб манга ойтгайсизлар, агар ойтмасангизлар қиёматда бу эшакнинг гуноҳи сизларнинг бўйнингизда турур, теги. Тақин қабул қилиб чиқтилар.



## Х И К О Я Т

Кунлардин бир кун Султон Махмуд Газнавий туш вақтида ўлтуруб эрдилар. Бир толибул илм йигит келиб салом қилди, тақи айди: эй султоним, қози элидан дод. (Султон) айди: не қилди? Ул толибул илм айди: отам бир қари киши эрди, ўлди, эрса моли куб қолди. Ман таҳсили илм қилмоқ учун Туркистон вилоятига бормоқчи бўлуб, минг қизил тиллони бир киссанки ипақдан тўқулгон эрди, онга солиб қозига олиб бориб амонат қўйдум, тақи ул киссанинг оғзинга муҳр ҳам қилиб эрдим. Бир неча вақтдин сўнг, таҳсили илм қилиб келдим, эрса қози олдинга бордим, ўшул амонат қўйгон нимарсани беринг деб. Ул, киссани муҳри бирлан чиқариб берди. Уйга бориб ўшул киссани очуб кўрсам мис танга бўлубдур. Ондин сўнг қозидин бориб сўрдум, эрса ул қози айди: ман билмон, манга бир муҳрлик кисса бердинг, олтинму ва ё боқирму, билмайман, муҳрин санга бузмай бердим, Тиласанг муҳр бузиб, олмоғонимга онт ичарман теди. Эмди сизга келдим, сиз билурсиз. Султон айди. Онт бергил. Ул толибул илм айди: эй султоним, бу қозининг ҳикояти лаклак қушнинг ҳикоятига ўхшар, онга нечук онт берайин, теди. Султон айди: лаклак қушнинг ҳикояти печуктурар? Ул толибул илм айди: лаклак доим йилон ер эрмиш. Бир кун йилонлар жамъ бўлиб айдилар: бизлар лаклак бирлан мураса қилиб қисмат қилоли: ҳар кунда бир йилон онинг хўракига берали, ўзгамизга захира бермасун. Барчалар айдилар: андоқ бўлсун. Бир йилонни элчи қилиб лаклакнинг ёнига йнбордилар. Лаклак ҳам бу сўзни қабул қилди, онт ичтўким, кунда бир йилондин зиёда емасман, деб. Бир неча кун кечкандин сўнг лаклак болалади, бо

ласи оч бўлди, бир йилонга қорни тўймас бўлди. Бир кун йилонлар индин чиқиб, ҳама жамъ бўлуб ўлтурур эрдилар. Лаклак учуб борур эрди, буларни кўриб ёнларига келди, тақди салом қилди, фикр бирлан туриб эрди, йилонлар келиб барчаларни зиёрат қилдилар. Бир соат кетти эрса йилонлар гофил бўлуб туруб эрдилар, буршин узотуб беш-олти йилонни тутти, икки тирноғи бирлан икки йилонни тутуб учуб, болаларнинг ёнига келди. Ондин сўнг йилонлар фаред қилиб, лаклакни кейининдин бордилар, тақди андилар: эй лаклак, сан олт ичиб эрдинг, қанда бир йилондин бошқа йилонга гегмас булуб эрдинг. Нечук онгни бузддинг? Ул айди: сизлар билурмусялар, ман ким турурман. Ёонм ман минора устида ўлтурурман тақди минорадин туруб масжидга сонгурман, гуноҳдин, қўрқмасман. Минора бошидин масжидга сонгургон(нинг) олтн бўлурму, теди. Эмди, эй султоним, бировким қозн бўлуб хонн булса, эртаю кеч ринива олиб ўлгургон бўлса, онингдек киши нечук олт ичмас, теди. Бу сўз султонга бисер хонн келди. Султон айди: ул киссани машиг ёнимда кўюб боргил, ман бир фикрин қилайин, деб ул киссани олиб қолди, айди: ҳоло саниг сўзинг бирлан бул қозини ўлтурсам, халонинг айтурлар: қозининг пули учун ўлдурди деб маломат қилурлар, одим ямон бўлур. Толибул илм кетти. Султон киссани қўлга олиб боқти, ҳеч бир танда тешувининг гумони йуқ эрди. Султон фикр қилдиким, ажаб эрмас, бу киссани тешуб доғи туқутгон бўлса деб гумон қилди. Бу кеча ёғиб, эрта тургонда тўшакнинг бир еридин ичоқ бирлан ёрди. Ондин сўнг уни овга чиқиб кетти. Ондин сўнг фаррон келиб, тўшакни йнгор бўлди. Кўрсаким, анчоқ бирлан кеселантурур. Айди: агар муни султон курса, не қилгойман, деб курқунчдин. Ондин

яхшироқ йўқтурурким, мунн элгиб тўқутгоймен, теди. Бир устод тўқугувчи бор эрди. Анга айди: эй устод, мунн андог тўқигилким, ҳеч киши билмо-сун, теди. Ул айди: андог қилайин, теди. Беш ол-тун берди. Ул устод қабул қилди, бир кун ичида тўқуди, фаррошнинг қўлига берди. Фаррош келту-руб тўшакни тўшакхонага қўйди. Султон овдан келди, кўрдиким тўшак бутун бўлубдур. Фаррош-дин сўрди: бу тўшакни ман кесиб эрдим, мунн ким тузатти? Фаррош айди: сиз кеткандин сўнг тўшак йигарда кўрдумким, тўшак кесилмиш. Ондин сўнг қўрқонимдим, бир киши бор эркан, олиб бориб тузаттурдум. Султон айди: ул устони эртонг бирла олиб келгайсан. Ажаб бўлур, деб ер ўнти, тақи тонг бирла бориб ул устони олиб келди, эрса султон айди: эй устод, бу тўшакни санму тўқудинг? Ул айди: ори, ман тўқудим. Султон сўрди: бу шаҳар-да сандин бошқа ҳеч усто борму? Ул айди: йўқтур. Султон айди: уз бошинг учун айгил: кози санга ҳеч кисса тўқуттурдимми? Ул айди: ори. Султон айди: кўрсанг тонурмусан? Ул айди: тонурман. Султон ул киссани чиқориб, устоднинг олдиға ташлади. Устод олиб кўрдиким, ул киссатурур, теди.

Султон айди: бориб пулчиларни олиб келинг, те-ди. Ондин сўнг бориб пулчиларни олиб келдилар. Султон алардин сўрди: қози учун мис танга қоқ-гингизму? Олар айдилар: ори. Султон айди: тонур-мусизлар? Айдилар: тонурмиз. Чиқариб кўргузди, эрса алар айдилар: шултурур. Ондин сўнг буларни бир уйга киргузуб кўйдилар. Ондин сўнг толибул илм бирлан қозини олиб келдилар. Султон толибул илмга айди: сўзлагил, теди. Толибул илм ҳар не еўзи бор эрди, борчасин баён қилди. Қози айди: елгон айтур. Манга бир муҳрлик кисса берди. Бил-

мадим, ичинда не бортурур эрди. Ман таки мухрни бузмой, ул бергондек уз қўлига бердум, теди. Султон айди: амонатни хиёнат қилмағонинг учун онг ичормусан? Қози айди: ичорман, теди. Султон айди: пулчи устод бирлаи кисса гуқугои устод гувоҳлик берсалар ўлармусан? Ул айди: ўларман. Султон айди: пулчи бирла кисса тўқугоини унданг. Ундади... э. Кисса тўқугои айди: эй қозим, киссанг ман тўқуб санга бердим. Пулчи айди: эй... бу... ни санга ишлаб бермадимму, сан гоньорсан, теди. Қозига таваҳҳум бўлди. Султон айди: дошшманлардин суранглар, бу қозига на кесилур? Дошшманлар айдилар: ўлум керак: ондин сунг Султон ҳукм килдиким, бу қозини дорга осинг. Таки осиллар. Ондин сунг Султон ул толбул илмга буюрдиким, сан қози бўл, теди. Ул толбул илм айди: ман шунча вақтдан берли илм гаҳсил килдим худо ривоси учун. Эмди олло таоло рларайгай... Эмди сан тиларсангем, ман қози бўлсам, тақи улсам, имонсиз кетсам, теди. Султон айди: нечук? Ул айди:

Қазарбайжон шахринда бир қози бор эрди. Хаста булгон эркан. Ман устодим бирлаи ул қозининг кучасидини ўғуб борур эрдук. Келиб айдилар: козини сўрмассизларму? Устодим сўроғоли кирди, эрса ман ҳам бирга кирдим. Қозини кўрдук эрса, бизларга қараб йилгади, тақи калиман шаҳодат ўқиди, таки айди: эй устодим, ман ўлсам, мандин ризо булуи, теди. Устодим айдилар: эй қози, қурқмағил, ўлмассаи бу хасталикдин турарсан. Қози айди: не ондингиз теди. Онда устодимиз айдилар: ҳоло калиман арза қилдинг имон келтурдинг, китоб ичинда бурубманким, қози ринша олда, имон келтурса ўлмас. Таки ул хасталикдан ўлмай турди. Ондин унг бир шароб ичиб, отга миниб борур эркан, оти

уркуб, кўтариб ерға урмиш, ул тақи ўлмиш. Ул қоси бу дунедин имонсиз келмиш.

Эмди манға қозилик керакмас, деб жавоб берди (толибул илм). Султон айди: қозиларга гўр азоби қоттиғми бўлур? Ул толибул илм айди: бир кун Куфа шаҳрида амиралмуъминин Али... Ёнларига бир киши келди, айди: ё Али, уч йил бўлди экин экарман, ул ер ҳеч ҳосил бермас, теди. Али айдилар: давот келтириб келтурунглар. Давот бирла қалам келтирдилар. Бир хат ёзиб берди экин экотурғон кишининг қўлига, айди: бу хатни элтуб экиннинг ўрта еринда кўмғил. Элтиб кўмди, эрса ул ер зиёда кўб ҳосил берди. Ул киши таҳсин қолди, ажабтур, теди. Бу хат не хат эркан деб ул ердин очиб ул хатни олиб уқуди, эрса ёзилмишким, эй ер, бу йил ҳам ҳосил бермасанг, бир зolim қози ўлган бўлса, ўлиқини келтуруб санинг ўртангда кўмарман, деган хат эркан. Эмди мундин маълум бўлдиким, қозиларни ер ҳам қабул қилмас эркан, — анинг азобидин қўрқор...

Бир зolim қозининг ҳукмхонасининг эшикидин ўтса, қули озод бўлмағай. Тақи айтибдурларким, ит ҳар тунда айтур эрмиш: олло таолога шукурким, мани қози қилмай, ит қилибтурур.

Тақи зolim қозининг сўзи кўпдур, аммо эмди мухтасар қилдук.

Эмди, султон ё бек бўлғон жувонмард бўлмок керак, печунким Султон Маҳмуд тахтга ўлтурмоқчи бўлғонда вазирларига айди: бу халонингда бу султон кўргилук бўлса оши севарлар, ман курксизман, яноқим расво турур, бурним улуғ турур, халойиқлар мани гиламаслар. Вазир айди: эй султоним, сиз молни яғмо қилишни севмасангиз, барча халойиқ сизни севарлар, теди. Эрса жаминь халойиқ, андоқтурур деб рози бўлдилар. Ондин сўнг тахтга минди...

## „ГУЛЗОР“ ДАН

Х И К О Я Т

Айтурларким, Искандар Зулқарнайн бир вилоятга етшти эрса айдиким бу вилоятнинг ҳокимин олиб келингларким, бу вилоятни апага бериб уни тарбият қилоюм. Ул вилоятнинг халойики айтиларким, бу вилоятнинг бир подшоҳзодаси бортурур. Аммо бир девонан жулида мүй турким гўристон аросида мақом тутубдур. Халқ бирлан асло ихтилоти йўқдир. Искандар айди: ушул девонани маага олиб келинг. Бориб девонани чақирдилар, эрса ул девона келмади.

### Қ и т ъ а

Маада йўқтур подшоҳлик орзуси даҳр аро,  
Ондин ўтуб ҳақ билан машғулман ҳар субҳу  
шом.

Тарк этибман мосивони, тангри бирладур  
ишим...

Халқи оламини келур ери чу гўристон эрур,  
\* Оннинг учун ганжи гуристонни айлабман мақом.

Девонанинг сўзини Искандарга келиб айдилар, эрса Искандар айди: бориб уни сўзларига қўймай олиб келинг. Бу навбатким бордилар, девона икки ўзүкнинг икки сўнгожин икки қўлига олиб келди

га Искандарга салом қилди ва ул ўлуқларнинг сўнгоқларини Искандарнинг ўнгида қўйди, айди: бу сўнгоқларнинг бириси подшоҳ сўнгоқидур, бири-си гадо сўнгоқидур, муни фарқ қилғилким, подшоҳ сўнгоқи қайсидур ва гадо сўнгоқи қайси туруп. Искандар айди: эй девона, бу чурук сўнгоқни одам нечук фарқ қилурким, бу сўзни айтурсан? Девона айди: ўлгондин сўнг подшоҳ бирлан гадонинг ҳеч фарқи йўқ эркан, бас подшоҳликдин мурод не туруп, теди.

### М а с н а в и й

Кишиким ажал баҳрига бўлди фарқ,  
Шоҳ илан гадога йўқ ул дамда фарқ.  
Қачонким етишти худодин қазо,  
Тенг эрур ўшал дамда шоҳу гадо.

Искандар айди: сани девона дерлар, сан худ оқил киши эрмишсан. Келғил, бу мамлакатнинг подшоҳлигин қабул қилғилким, санга улуг тарбият қилоюм. Девона айди: манинг қўлимдин подшоҳлиғ келмас. Искандар яна муболига килди эрса девона айди: кўб муболига қиласан, манга тўрт нима берғил, ман подшоҳликни қабул қилойин. Искандар айди: ул тўрт нимани айтғил, филҳол санга бериюм? Девона айди: аввал бир тириклик бергилким, анинг сўнгидин ўлум бўлмасун; ва яна, бир йиғитлик бергилким, анинг сўнгида қарилик бўлмасун; ва яна бир ғашийлик бергилким, анинг сўнгида фақирлик бўлмасун; тақи, бир шодлик бергилким, анинг сўнгидин ғамгинлик бўлмасун. Искандар айди: эй девона, бу тўрт нимани ман бера олмасман, ани ҳақ таолонинг ўзи берур, андин тилағил... Ондин сўнг Искандар жавоб топмади...

## Х И К М Я Т

Айтурларким, Нўширавон одил бир айвони олий бино қилдирдиким, анга «Тоқни қисри» од қўюб эрди. Ул айвонининг олдинда бир қари хотунининг уйи бор эрди, тақри ул хотунининг неча сугирлари бор эрди. Ул сугирларининг йули бу айвонининг олдинини эрдиким, ул йўлга мармар тошлар бирлон фарш қилиб қўйдилар ва камоли тақаллуф бирла зебу зийнат қўйиб эрдилар. Хар кунда ул заифанин сугирларининг ул фаршнинг устидин тезаклар эрди. Нўширавон кунгунча емон келмас эрди, балки ҳар кунда ходимларга буюрур эрди, ул фаршни артиб юрар эрдилар. Беш-олти йил бу навъ таҳаммул қилди. Ондин сўнг ул заифа ўзи нисофга келиб айдиким, эй Нўширавон, менга не ҳад ва не қудратқил, санингдак олий подшоҳининг айвонининг фарши устида сугирларининг ҳар кунда ўтқариб, бу қабохатни қилибман. Манингаразим санингар адлингни синамоқда эрди, манга маълум бўлдиким, камоли адолат ва нисоният санингар зотингда зуҳур қилиб-гүрур. Эмди муносиб улдурким, манга ўзга ерда уй ва манзил тайин қилгосанким, ман ул манзилга боруям, санингар дуоини давлатингга машғул бўлойин, гедди. Ондин сўнг Нўширавон анга ўзга ерда манзил ва мақом тайин қилди ва ул заифа кучуб анда борди.

## М а с н а в и й

Раятга султон эрур посбон,  
Раят эрур кую, султон—шубон.  
Шубон булмаса куйдин бохабар,  
Буридин стар анга ҳар дам зарар.



## Х И К О Я Т

Айтурларким, бир кеча Султон Маҳмуд Газнавий қошига бир киши келди, додхоҳлик қилиб айди-ким, эй султон, бир неча бадкор фосиқлар, тун ярмиким бўлди, маннинг уюмга келурлар, маннинг бир жавон хотуним бортурур, ошн фасод қилурлар, манга кўп жабру жафо қилурлар. Аларнинг қўрқунчаларидин дам уралмасман, агар дам урсам мани ўлтурурлар. Султон айди: алар ҳар қачон келсалар сан келиб манга хабар бергил, теди, саннинг додингни олиб берурман. Бу сўзлар бирлан ул дарвиш умидвор бўлиб уйга борди, эрса ул кундин сўнг яна ул фосиқлар ярим ахшомда анинг уйига келдилар, эрса ул дарвиш филҳол ўзини султонга еткурди ва айдиким, ул бадбахтлар келдилар. Султон филҳол машъал равшан қилиб отланиб ул дарвишнинг уйига етишди. Уйнинг атрофида кишилар қўюб, ул фосиқларни тутдилар. Султон ҳукм қилди, машъални ўчирдилар, ондин сўнг буюрдиларким, буларни ўлдуринг. Ўлдурдилар. Ва яна буюрди, машъални ёқдилар. Султон ўлукларнинг бошларини кетургузуб кўрди...

## Қ и т ъ а

Шаҳиким, сиёсатни қилмас шиор,  
Онинг ҳеч бир ишида бўлмас мадор.  
Сиёсат қиличинки шаҳ қилди тез,  
Ситам пешалар неки ҳадди ситез.

Ондин сўнг Султон айди: дарвиш, ҳеч таоминг бормудурким, очмиз? Филҳол дарвиш нон, сирко олиб келди, айди: эй подшоҳим, манда ҳозир будур. Султон ул нону сиркодин кўб еди. Дарвиш

сўрдиким, ии родшоҳим, бу келгонипгда неча йиллар ўтти. Ушларнинг жавобини манга ҳал қилгил. Бирин буким бу бадкорларни ўлдурур вақтда машъални сўндурдинг, ва бирин буким, аларни ўлдургандин сўнг машъални яна равшан қилдинг, тақи бу турурким, бу дарвишона нон, сиркони кўб единг, тақи ул каллаи мақтуъларга назар ва тафаҳус қилиб, тангрига шукур қилдинг, тақи кўб ухладдинг? Султон айти: ўшал куники, сан арз қилдинг, саннинг арзингдин сўнг ман ўзим таҳайюрда буддим, маним замонимдаким, мундоқ ёмон ишларни ким қила олгай? Магар маннинг ўглим манга эътимод қилиб мундоқ ишни қилгон бўлгой ва шамъни онинг учун сўндуртдиким, шояд маннинг ўглим булса, анга назарим тунса, манга ота-ўғиллик меҳри тебранган ва ани ўлдурма олмогойман, тедим. Бу фосиқларни ултургандин сўнг машъал екиб кўрдим, ўглим эрмас, худога шукр қилдим. Тақи бу сўзини сан манга айтгани уч кун бўлди. Бу уч кунда таом еган эрмас эрдим ва ётолмагон эдим, уйқу келмади, онинг учун саннинг таомингдин кўб ошадим ва хам ётиб ухладим.

### Н а з м

Мусаллам ул шоҳгаки, мулки жаҳон  
Ки, мискин гаமிдин емас ошу нон.  
Бу кун бўлса мискин гаமிдин хазин,  
Булул тоғла султони хулди барин.

### Ҳ и к о я т

Айтурларким, бир жамоат халойиқ бир киштига миниб дарёга кириб эрдилар. Ногоҳ бир мухалиф ел туруб, ул киштини дарёга гарқ қилди. Ул жа-

моатдин бир киши тахтага ёбушуб қирғоққа чикти ва гарқ бўлмоқдин халос бўлди. Ондин сунг ўзини бир ободонликка еткуррой деб борур эрди. Ногоҳ кўрдиким, йироқдин бир шаҳарнинг қораси курунди. Ул тарафга жаҳд қилиб боргондин сўнг кўрдиким, ул шаҳарнинг жамиъ одамлари чиқибдурлар ва уни кўргандин сўнг унинг тарафига кела бошладилар. Алқисса, бу кишини элтиб ҳаммомга киюруб, подшоҳона либослар кийдуруб, отга миндуруб, ўнг-сўлиндин беклар ва аркони давлат кўрунуш қилиб, элтиб, таъзим ва тақрим бирла тахт устида ўлтургиздилар. Тақи подшоҳона ош келтуруб, шулонлар торгдилар. Ондин сунг аркони давлат ва беклар ҳарам сари ишорат қилдилар. Ул киши тахтдин тушуб, ҳарамга мутаважжих бўлди. Эresa соҳиб жамол қизлар исгиқбол қилиб, таъзим ва тақрим бирла элтиб, бир хуршидваш заифа қатига келтурдилар. Ул заифа ҳам камоли хулқ ва инсоният ва мулояматлиг бирла ихтилот қилди.

### Н а з м

Гар ёр ўлуб толиъу бахт ўлса мададкор,  
Гулрўй ҳам огуш, нари чехра бўлур ёр.  
Боғ ичра бўлур ғунча даҳонлар била ҳамдам,  
Ризвон киби очилур анинг юзига гузор.  
Бедағдаға ҳосил бўлур анга бори мақсуд.  
Бегуфту шунуд ўлур онинг ҳар иши тайёр.

Ҳосилким, бу кеча ҳарамда бўлди, тонгла девоихонага чиқди, эresa дастур бирлан умаро ва аркон давлат кўрушка келиб, одоб хизматини бажой келтуруб, бу кун яна бир ҳарамга ишорат қилдилар. Бу ҳарамга кирғач, ондаги соҳиб жамоллардин ҳам яхши ва хуброқ қизлар ўтру келиб, иззаг ва ик-

ром бирлаи яна бир гулруҳининг қошига элтиб ўл-  
тургуздилар.

## Н а з м

Хардам бу чаманда очилур бир гули раъно,  
Хар гушада юз ноз қилур лолайи ҳумро.  
Хар            қилур булбули хушгўйи наволар,  
Хардам очилур гулча киби тўтиийи гўё.

Бу кеча ҳам бу ҳарамда фарог айш бирлаи ис-  
тироҳатга машғул бўлди. Ва алас—сабоҳ яна де-  
вонхонага чиқди, эрса ушул конда ва қонун бир-  
лаи умаро ва арқон давлат тариқайи хизматкорлик  
алкой келтуруё яна ҳарамга ишорат қилдилар.  
Анда ҳам юз гулрук зеъ ва эйбат бирла гулруҳ-  
лар ва анбар мўиллов истикбол қилиб, элтиб бир  
гулруҳининг қошида ултургуздилар. Ҳосилким тўр-  
тинчи ҳарамга ишорат қилгонда бориб кўради, бир  
хуриликқойи ери сохиб жамол, некухисол, фархунда  
фол, ноз маснадида сарафнос ва хусн тахтида сар-  
винтоздек бўлур ултурубдур. Анинг бирла ихтилот  
наво, ҳамогун бўлганда суҳбати бисёр хуш кел-  
ди. Андин сўрдиким, эн ери азиз-дилпазир ва эй дил-  
рабоии ногузир, ман фақир киши эрдим, ўз ҳожа-  
тим учун бир жамоа халойиқ бирлаи бир киштига  
лишиб, сафар ихтиёр қилиб эрдим. Ногоҳ мухалиф  
киштиини гарқ қилиб эрди. Ул жамоа барча ҳа-  
лок бўлдилар ва ман саломат қутулур, бу диёрга  
тушитум эрса бу турдук давлат манга муяссар бўл-  
ди. Халқ билмасманчим, бу не холдур. Бу мушкулни  
манга ҳал елагил. Ул пари чеҳра айди: бу халойиқ-  
нинг дастури будурким, ҳар йилда санингдек бир  
ғариб кишини подшо қилурлар ва тарихини ёзиб  
сақларлар. Йилким тамом бўлди, эрса ул кишини

киштига солиб, бир жазирайи бордур, элтиб, ул жазирада қўярлар. Тақи келиб, барча халқ чиқарлар шаҳардин, дағи истарлар: ҳар қайда бир санингдек гарибни тондилар эрса келтурурлар. Дағи они яна бир йилгача подшоҳ қилурлар. Ҳар йилда буларнинг дастури бутурур.

Ул ёр пари чеҳрага килгач ани изҳор,  
Очти шакар оғзини дағи айлади гуфтор.  
Дедикки, бу асрорни сўрдунг эса мандин,  
Шарҳи била бу сирни баён айлайин, эй ёр:  
Бу даҳр арусн киби ҳар йилда эрур, бир,  
Васлимда биров шоду, фироқимда биров зор.  
Ҳар йилда биров бизга ўлуру дилбари жони,  
Йил бўлғоч ўшул боруру, келур яна дилдор,  
Неча бу жафони чекалинг халқ гамидин,  
Борбиз бу жафо дардига ҳар йилда гирифтор.

Андин сўнг ул киши айттиким, бу бир йилда бу кишиниким подшоҳ қилурлар, анинг ҳарна қилгон ҳукмин эштурлар ё йўқ? Ул гулчеҳра айди: бали ҳар ҳукмиким қилса, қабул қилурлар, йўқ темаслар. Бу сўзни эшигкач, сабоҳ девонхонага чиқти ва умаро ва аркон давлатни чарлади ва айди: ул жазираким, ҳар йилда подшоҳларни элтиб солурсизлар, ул жазирада бир шаҳр бино қилурман, маслаҳат недурур? Умаро дедиларким: ҳукм ва ёрлиғ сизнинг турар, ҳарна ҳукм қилсангиз турубсиз. Филҳол ҳукм қилдиким, меъморлар ва устолар бориб ул жазирада бир шаҳр мақбул бино қилдилар. Андоғ эҳтимом қилдиларким, олти ойда ул шаҳарнинг қалъа ва бозор ва эвлари тамом мукамал бўлди. Андин сўнг мухтариқот бирла хазоийин ва дафойин ва ҳарамларни дафъа-дафъа ул шаҳарга йиборди. Уч ойда ҳар матоъки бор эрди, бу шаҳардин ул шаҳарга

йиборди. Тақи ўзи ҳам уч ойгача интизор тортиб ўлтурур эрди: қачон йил тамом бўлгайким, бу халқ мани ул жазирага элтиб солгайлар. Ҳосилким, йил тамом бўлди, эрса ўз дастурлари бирлан ул кишини кишига солиб, элтиб ул жазирага солдилар, эрса бориб бир шаҳри мақбул, дилпазирга тушди: Барча халойиқ ўтру келиб, юз шавқ-завқ бирлан ани элтиб, маспади айш фароғ устида ўлтурғуздилар ва то тирик эрди, ул гулрух паричеҳралар бирлан умр ўткарди.

### Ғ а з а л

Ҳақиқат аҳликим, чекти бу олам ичра меҳнатни, Ўшал меҳнат била охир тонар жоҳ ила давлатни. Ёу давлат кетмасун мандин, деган оқил киши  
шаксиз,

Басс олиғи тутар уқбо саранжомида ҳимматни.

### Ҳ и к о я т

Айтурларким, султон Санжари Мозий Марв шаҳрида бир айвон бино қилди. Бағоят рафеъ, дилпазир эрди. Аммо анга дойиқ бир ситун керак бўлди, ҳеч ердин қараб топмас эрдилар. Охир бир хотуннинг ховлисиендан дарахт топдиларким, ул айвонга ситун бўлмоққа муносибдур. Ул хотунга айдилар: бу яғочни сотгини, Ҳарчанд қилдилар ул хотун бермади. Келиб султонга айдиларким, бир қари хотуннинг бир яғочни бор эркон, зиёда муносиб эркон, харчанд қилдук бермади. Султон амр қилдиким, хазинадин заркаш тўн келтуринг, яна ҳам бир табақга ёрим тилло ва ёрим танга қилиб олиб келинг. Андоқ қилдилар. Султон айди, бу заркаш

тўнни ва бу тилло бирлан тангани олиб ул хотуннинг олдига боринг, шояд ул яғочни бергой, арқон давлат андоқ қилдилар эрса ул хотун хушвақт бўлиб айтди: султонга керак бўлса, ул яғочни кесинг...

### Қ и т ъ а

Султонки, адл бирла қилур халқ аро маош.  
Ҳар неким истаса анга ҳосил бўлур равон.  
Гар нақди жон тиласа тариқи ҳасан била,  
Филҳол сарф этарлар анга халқ пақди жон.  
Ҳар кимни, бу сифат била бўлса жаҳонаро,  
Шаксиз онинг нисори эрур жон ила жаҳон.

Ҳосилким, ул яғочни кесиб келтуруб, ул айвон да қўйдилар, эрса бағоят писандида ва хўб ва марғуб ярошти. Султоннинг муборак хотирига қабул тушди. Айттиким, бу яғочни олтунпўш қилинг, айвонни ҳам зарнигор қилинг. Алқисса айвон тамом бўлгондин сўнгра султон ҳукм қилдики, бори халойиқ келиб тамошо қилсунларким, атроф акноф — оламга шуҳрат қилгайлар. Халқи олам барча ул айвоннинг тамошосига келдилар эрса ул қари хотун ҳам султон берган заркаш тўнларни кийиб, ул айвоннинг тамошосига келди, эрса кўрдиким, анинг яғочини олтун бирлан қоплабтурлар. Ул хотун ул яғочнинг ёнига келиб айдиким, эй яғоч, ўзингнинг ростлиқингдин ўзингни ҳам тиллопўш қилдинг, мани ҳам тиллопўш қилдинг...

### Қ и т ъ а

Ҳар кимки, ростлиқни қилди шнор ўзига,  
Бунёди илан ҳар иши бўлди жаҳонда маҳкам.

## Қ и т ъ а

Алифдек агар рост бўлсанг мудом,  
Сенга олам ичра тошилмас назир.

## М а т л а ъ

Гар алифдек рост бўлсанг, бол ичида тут мақом,  
Лом алифдек бўлсанг эгри бул бало ичра мудом.

## Ҳ и к о я т

Айтурларким, Нўширавони одил адолат қилув маслаҳати учун ҳукамо бирлан бекларни жамъ қилди ва айттиким, раият бирлан не турлук маош қилсок муносиби давлатдур? Беклар айттилар: агар улуғ подишоҳ бўлурман тесонг навқарга кулли риоят қил ва лашқарни қавий қилиб раиятдин тангани кўб олиб навқарга бергил, то душман санга зафар топмасун. Абу Заржумҳур ҳаким айдиким, беклар сизлар галат водига тушубдуренизлар. Раиятга зулм қилиб танга олиб навқарга берсангиз онинг бирлан нўкар кўб бўлмас, онинг учунким, бир йил зулм қилурсиз ва с икки йил, ондин сўнг раият жало бўлурлар ва вилоят номазруъ қолур ва сизларга ким нимарса берур ва кимдин нимарса олурсизлар.

Ҳукамо бирлан беклар орасида низоъ бўлди эрса ҳаким айдди: эй Нўширавон, бекларнингга амр қилгилким, овга чиқиб шикор қилиб, санга сайд қилганларни келтурсунлар, тақи манга ҳам ҳукм қилгил, ман ҳам сайд қилиб санга келтуройин, ондин сўнг мулохиза қилгилким, алар кўб сайд келтурурларму ва ё ман кўб келтурурманму.

Нўширавон ҳукм қилдиким, бориб шикор қилинг ва манга ҳар тушқанларни олиб келинг. Беклар жа-



моа-жамоа бўлуб отлондилар, тақи ул кун кўб сайд олиб келдилар ва ина тонгла ҳам бедастур отландилар, эрса тунокун ҳужум қилган сайдлар ҳаммаси уркуб кетибдурлар, бу кун ҳеч сайд қила олмадилар ва ноумид келдилар. Ҳаким дона элтиб дом солиб эрди ва ҳар кунда дастурлиг сайдин келтурур эрди ва ҳеч кам бўлмас эрди. Ондин сўнг айттиким, агар адл қилсанг ушбу дона ва домдек доимулмудом танга санга келур ва хазина тўлуғ бўлур ва агар зулм қилсанг, бир кунда ушбу беклардек тамом элни уркутурсан, тақи ондин сўнг ҳеч нима топмассан ва кимдин ёрмоқ олурсан?!

#### М а с н а в и й

Раиятни тадбир ила ром қил,  
Адолат-ла ҳар ерда ором қил,  
Раиятга адл қилсанг маош,  
Кам ўлмас саҳо суфраси ичра ош.  
Чиқорғил раиятни ғам чоҳидин,—  
Ёнмогойсан онинг дуди оҳидин.  
Ситамкаш агар оҳ чекса саҳар,  
Куяр оҳининг ўтидин баҳру бар.  
Эшик ёпма мазлумнинг юзига,  
Кўзунг оч, қулоқ сол онинг сўзига...

#### Ҳ и к о я т

Айтурларким, Сулаймон пайғамбарга бир киши бир оз оби ҳаёт келтурди. Сулаймон пайғамбар ул оби ҳаёт сувини ичмоқ учун жамъ халойиқ бирлан вухушу туюрни, барчани чақириб маслаҳат қилди, эрса бутимор деган қуш келмади. Сулаймон айтдиким, ҳайвонларнинг зийракроқи отдур, они йиборинг, олиб келсун. Ондин сўнг отни йибордилар, эрса келмади. Ондин сўнг Сулаймон айтди: ҳайвонларнинг касифроқини йиборингким, итдур. Ондин

сўнг итни йибордилар, эрса бутимор қуш итқа қўшулиб келди. Сулаймон айтди: сабаб не эрдикми, ҳайвонларнинг зийракроғини йибордим, онинг сўзи бирлан келмодинг ва ҳайвонларнинг касифроқини йибордим, анинг сўзи бирлан келдинг? Бутимор айди: ё расулалло, от вафо даштида ўт ўтлагон эрмасдур ва ит вафо даргоғидин кетгон эрмас. Онинг учун итнинг сўзи бирлан келдим. Сулаймон айди: бир ичкуллик оби ҳаёт келтурубдурлар. Они ичарга рағбат килдурман, маслаҳат иeturур? Бутимор айди: расу. лло, бу сув бори карнидонларинг ва хайли ҳашаминга етар бўлса, ичсонг бўлур, ва агар елғиз ичсанг, ўзинг ёлғиз қолгунгдур, ёру биродар ва хайлу ҳашаминг бориси фоний бўлгусидур. Алардин айрилиб, санинг тириклигингдин не фойдадур, иушаймон булгунгдур. Сулаймон айди: бу сўзни манга ҳеч ким айтмади, эмди сандин эшиттим. Маъқул айтурсан, деб ул сувин ичмади.

## Қ и т ь а

Тириклик ёру дилдор ила хуштур,—  
 Тирикликни истарсан бўлмаса ёр?!  
 Улук солида кўр, тема тириктур  
 Кишиким, йўқ анга ёри вафодор.  
 Киши ёлғуз жаҳонда бўлмади шод,  
 Ичкаким бўлса оламда намудор.....

## Ҳ и к о я т

Айтурларким, бир киши бир чибчуқни бир қафасга солиб сақлаб эрди. Бир кун ул чибчуқ айди: эй киши, мани бу қафасга солиб сақлабсан, соқлогондин санга ҳеч бир фойда йўқдур. Агар мани

озод қилсанг, санга уч панд берайки, ондин санга кўп фойдалар бўлгай. Ул киши айди: ул пандлар қайсидур, айтгил, сани озод қилайин, деди. Чибчуқ айди: аввал улким, ҳар нимарса қўлингдин чиқса, анинг учун қайгу емагил. Ва яна маҳол сўзни асло қабул қилмагил. Эмди мани йиборгил, яна бири айтурман. Ул киши йиборди, эрса учуб бориб, бир яғочнинг шохасида қўнди, тақи айди: ажаб нодон киши эркансан, манинг қорнимда йигирма мисқол лаъл бор эрди. Ул лаъл қўлингдин чиқти, те-ди. Ул вақтда ул кишига, баса изтироб тушди ва пушоймонлар қилди, эрса чибчуқ айди: ҳоло ман санга насиҳат қилмадуммиким, нимарса қўлингдин чиқса, онинг учун қайгурмагил! Ман энди қўлингдин чиқдим, пушоймонлик не фойда қялур?! Ва яна буким, ман ўзум йигирма мисқол эрмасманким, йигирма мисқол лаъл менинг қорнимга не турлик сиғар, яна бир пандим буким, бу яғочнинг тубида бир кўзача танга бортурур, онн олиб харж қилгил деди. Ул киши дарахт тубини қазди эрса бир кўзача танга чиқти. Они олгоч, чибчуқ учуб кетти.

### Н а з м

Икки иш қўймас бани одамда даҳр ичра мажол:  
Бир—таассуф ўткон ишқа, бир—доғи амри маҳол.  
Одам эрсанг кўб таассуф ема ўтган иш учун,  
Демагил сўзни маҳолу чекмагил андин малол.

### ҳ и к о я т

Айтурларким, Искандари Зулқарнайн бир вилоятга етишди, кўрдиким, сурук-сурук қўйлар юрурлар, чубони йўқдур ва сурук-сурук тевалар юрур-

лар, сорбони йўқ, сурук-сурук йилқилар юрурлар, йилқибони йўқтур. Барча қўйлар ва мевалар ва йилқилар ҳаммалари баробар эрдиким, бири-бирисидин зиёд ва ё кам эрмас эрди. Ва яна боғларда мевалар пишиб турув эрди, боғбони йўқ. Исқандарнинг ланшкарларидин ҳар кишиким бу моллардин олиб ва ё мевалардин олиб еса дарҳол улар эрди. Исқандар бу ҳолни кўргач ҳукм қилдиким, ҳеч бир киши бу моллар ва мевалардин олмасунлар. Ва яна бир кишини бу вилоятнинг шаҳрига юбордиким, бориб кўргилким, бу вилоятда не ҳол бортурур. Ул киши ул шаҳарга борди ва эрса кўрдиким, бозори эраста ва тузук, ҳар нимарсадин ул дўконларда фаровон турур, аммо дўконларнинг эгаси йўқдур. Зиёда тараддуд қилиб кўрди, эрса бир киши ҳам толмади. Андоқ хайрон бўлуб юруб эрдиким, ногоҳ бир киши йўлуқти, эрса ул кишидин сўрдиким, бу дўконларнинг эгаси қайда борибдурлар? Ул киши айттиким, халониклар барчалари бир маъбадхонага кирдилар... Ул киши бул кишини бошлаб ибодатхонага элтти эрса ондин сўнг ул киши Исқандарнинг келганин ул қавмга билдурди. Филҳол ул халоник ибодатхонадан чиқиб, подшоҳини бошлаб, пешкашлар бирлон Исқандарнинг хидматиға келдилар. Исқандар алардин сўрадиким, бу не ажаб ҳол гурурким, сизларнинг молларингизда ниғаҳбон йўқтурар ва яна барча молларингиз бир-бирисидан кам ва ё зиёд эрмас, яна буким, ҳар кишиким, сизларнинг амволларингиздин олдилар, дарҳол хаста бўлдилар? Мунинг кайфиятини маъна маълум қилдинглар. Ул халқнинг подшоҳи айдиким, бизнинг аромизда агар бир киши муфлис бўлса, баримиз йўғилиб ул кишини мол жамъ қилиб мол амвол ва жамиятда ўзларимиз бирлан баробар қилурмиз. Ул жиҳатдин бизнинг оғлизда ўғри ва авбош бўл-

мас... Искандар айди: манинг бу жаҳонгирлигимдин мурод бу эрконким, саши кўрдум, кел, эмди манинг бирлаи бирга бўлгилким, бу оламнинг ёрисин санга беройини, Ул подшоҳ айдиким: манинг ҳавсалам ва таврим мундин ортиқ мамлакатга тоқат келтурмас, агар мундин ортуқ мамлакатга ҳоким бўлсам забт қилолмон, манга мундин ортуқ таклиф қилмагил, деди, эрса Искандар ҳам они қабул қилди.

### М а с н а в и й

Кимдаким инсоф ила авсоф бор,  
Ҳақ бўлур икки жаҳонда анга ёр.  
Муфлису дармондаларга қил карам,  
Токи бўлгойсан жаҳонда муҳтарам.  
Кўнглинги уммид бирлаи рост қил,  
Журм ила исёнинги дар хост қил...

### Ҳ и к о я т

Айтурларким, Султон Санжари Мозийининг отаси Султон Малик подшоҳ эрди. Ва анинг отаси Олп Арслон эрди. Султон Маликшоҳ Исфаҳон вилоятига сайр қилмоқлиқ учун чиқиб эрди. Бир мавзуда тушуб кеча анда сокин бўлғонда Султоннинг қуллари ул кеча бир қари хотуннинг сигирини ўгирлаб, сўюб едилар. Сабоҳ ул хотун хабардор бўлдики, сигирни Султоннинг қуллари сўюб ебдурлар. Ондин сўнг ул хотун қўлига бир асо олиб, Зиндаруд деган кўпрукни тутуб турдиким, Султоннинг гузари ул кўпрукдин эрди. Чун Султон ул кўпрукнинг бошига келди, эрса ул заифа фарёд қилди, айди: Эй Олп Арслоннинг ўғли, бу кун бу кўпрукнинг бошида манинг додимни бергил, йўқ эрса, тонгла

сирот кўпругининг бошида сани туткумдур. Султон отининг жиловини тортиб туруб айдиким, не додинг бордур, айтгил, теди. Ул заифа айти: манинг бир сигирим бор эрдиким, авкотим онинг орқасидан ўтар эрди. Бу кеча санинг қулларинг ўлдуруб ебдурлар. Ул қуллардин манинг додимни олгил. Султон айти: бир сигирга ун сигир берайин, рози бўлгил. Ул хотун, айти: йўқ, манинг додимни улардин олиб бергил. Яна Султон айти: йигирма сигир берайин. Хотун кабул қилмади, ва алқисса Султон саксон сигиргача бермоқчи булди, кабул қилмади. Оидин сўнг Султон ул кўпрук бошига тушуб ўлтурди, хукм қилдиким, қулларини топиб келтуринг, деб. Дарҳол топуб келтурдилар эрса амр қилдиким жаллодга аларини пора-нора қилсун ва ҳар порасин бир дарвозада оссун. Жаллод андоқ қилди, ва яна ул заифага саксон сигир ҳам бериб хушнуд қилди.

## К и т ь а

Зиҳи, саодату давлатки хисрави айём  
 Ки лутф этгали мазлум сори қилса назар.  
 Жаҳонда ушбу сифат бирла гар маош этса,  
 Шафъъ ўлур анга маҳшар кунда хайри башар.

Алқисса Султон бу турлук адлу дод бирлан ул заифага лутф қилгондин сўнг бир неча фурсат ўтгач, тақдирин илоҳий ва қазойин раббони етишди ва Султон Маликшоҳ фойий дунёдин боқий оламга риҳлат қилди. Ул заифа хабар топдиким, Султон вафот қилибдур, оқ сочини ёйди : ва фарёд қилди ва фиғон кўтарди ва айти: эй худоё, Султон Маликшоҳ манга адл қилиб эрди, анга раҳмат қилгил. Айтурларким, ул кечада Исфакон шаҳрининг тамоми халойиқлари туш курдиларким, Султон Ма-

ликшоҳ биҳишт ичра сайр қилатурур. Сўрдиларким, не амал қилдингки, биҳиштга кирдинг? Султон айдиким, бир қари хотунгә адл қилиб эрдим. анинг учун худои таоло мани бу давлатга сазовор қилди...

#### Х И К О Я Т

Айтурларким, Сулаймон алайҳиссаломға пашша келиб елдин шикоят қилди, айди: ел жиҳатидан бир лаҳза бу оламда фароғат била учолмон, ризқимиз учун бисёр ташвишға қолибмиз. Ел санинг фармонингдатурур, ҳукм қилгилким, бизға мазоҳим бўлмасун. Сулаймон алайҳиссалом айдилар: сан сўзингни арз қилдинг, эмди елдин сўрағайлукким, ул не сўз дер. Елни чақирдилар. Ел келгач, пашша қочиб кетти, ҳар неча қарадилар, мавжуд бўлмади. Сулаймон алайҳиссалом айдилар: адолат қондаси бутурурким, додхоҳ муддаю муддао алайҳ иккисини баробар тургузуб сўрмоқ керакдур, ҳар сўзлари бўлса бир-бир айтғойлар, то ҳоким аларнинг сўзини билиб ҳукм қилғой.

#### Ғ а з а л

Бўл адолат маснади узра Сулаймони замон,  
Токи сандин мустафиз ўлғай бари аҳли жаҳон.  
Ғар Сулаймондек булуб халқ ичида қилсанг маош.  
Билки, фармонингда бўлур олам ичра инсу жон.  
Ғар рафиқ ўлса бу тавфиқу муяссар бўлса адл.  
Шаксиз ўлур ул кишнинг маъзили боғи жинош.  
Яхши авсоф ила қил ушбу жаҳон ичра сулук,  
То санинг авсофинг ўлғай олам ичра дoston.

## Х И К О Я Т

Айтурларким, бир киши бир муршид қошига келиб айттиким, эй шайх, манди журм ва хато кўб воқеъ бўлубдур. Эмди манга тавба ва инобат бергил. Шайх айдиким: санинг кўнглинг бир ҳавзга ўшар ва анга беш аригдин лой сувлар кириб, тақи ул ҳавзни тийра килурлар. Агар ул аригларнинг йўлларини боғласанг ва бу ҳавзга тийра сувлар кирмаса, ондин сунг санга тавба ва инобат берурман, йўқса тавбанинг санга ҳеч фойдаси йўқдур. Ул киши сўрдиким, ул беш ариг қайсилардур? Шайх айтиди: бир ариг—кўзингнинг йўлидурким, мусулмонларнинг ахли аёлига хиёнат бирлан бокмагайсан. Яна бир ариг—оғзингнинг йўлидурким, андин ёмон, ҳаром нималарни емагайсан. Яна бир ариг—иликларингдурки, кишини ноҳақ уруб, молларини олмагайсан. Яна бир ариг—оёқларингнинг йўлидурким, онинг бирлан номашуръ йўлларга бормагайсан, мисли бўзахона ва шаробхона ва мафсака. Яна бир ариг—кулокларингнинг йўлидурким, гийбат сўзларни эшитмагайсан. Ул киши айтиди: эй шайх, йўллардин қайтиб, боғладим. Ондин шайх ул кишига тавба ва инобат берди, ва оз фурсатда ул киши ул тариқ бирлан сулук қилди, эрса соҳиб камол муршид бўлди.

### М а с н а в и й

Халқга алтофни кам килмоғил,  
Ҳеч кишига жавру ситам қилмағил.  
Айла худонинг газабидин ҳазар,  
Солма кишининг ҳарамига назар.  
Фақш сўзни оғзинга олма мудом,  
Шумлар ила доғи ичма ҳаром.  
Мафсақалар кўйига қўйма қадам,  
Бўлма алар таври била муттаҳам,



Гийбати бад кўйиға солма қулоқ,  
Доим ўшал тоифадин бўл йироқ...

#### Ҳ И К О Я Т

Айтурларким, Шайхи Баҳлул девона алайҳи раҳ-  
ма бир кун Хорунар-Рашид халифанинг девонхо-  
насига кирди. Кўрдиким, халифанинг ўзи ҳарамга  
бормишдур, кўришга чиқмайдур. Ул девона бориб  
халифанинг тахти устига мишиб ўлтирди. Ясовул-  
лар Шайхи Баҳлулни танимас эрдилар. Шайхни  
тушқил, деб бошиға таёқ бирлан урдилар. Шайхнинг  
бошидин қон оқаберди. Ушбу ҳолда Хорунар-Ра-  
шид ҳарамдин чиқиб келди. Кўрдиким, Шайхнинг  
бошидин қон оқатурур. Шайх тахтнинг устида ку-  
луб ўлтурубдур. Ҳалифа Шайхнинг қошига адаб ва  
таъзим бирла келди ва айди: эй Шайх, сизга не  
бўлди ва не учун мундоғ қиласиз? Шайх айди: ман  
бир соат санинг тахтингда ўлтурдим, эрса уруб бо-  
шимни ёрдилар. Санким, йиллардурки, бу тахтнинг  
устида ўлтурубсан, санинг ҳолинг не бўлғой деб  
куларман. Шайх бу сўзни дегач, халифа зор-зор  
йиғлади ва Шайхнинг оёғига тушуб узрхоҳлик қи-  
либ, таъзим ва икром бирлан узотти...

#### Ҳ И К О Я Т

Айтурларким, Искандари Зулқарнайн зулматга  
кирмакка боргонда ҳукм қилдиким, ҳеч киши ма-  
нинг чириким билан қари киши олиб келмасун ва  
тамоми чирик халки йиғит кишилар бўлсун. Бир йи-  
гитнинг бир қари отаси бор эди. Ҳар неча отасига  
айдиким, сен тургил, чирикка бормоғил, отаси ай-  
ди: ман сандин айрилабилмасман.

## Қ и т ь а

Сан каби фарзанддин априлмоқим имкон эмас,  
Жон сану, жондин жудолик айламак осон эмас.  
Чун бўлубман хастау зору занфу нотавон,  
Нотавонга зулим қилмоқ лойиқчи эҳсон эмас.

Ҳосилким, ул инғитга зарурат булди, гарчи хилофи ҳукм ҳам бўлса, отасини бир сандуқга солиб, ул сандуқни тевага юклаб, олиб кетти, ва ҳар қачон чиқарса, ёшурун чиқарур эрди, то ул вақтгачаким зулмотга еттилар. Искандар ҳокимлар бирлап умаро ва аркон давлатларини йиғиб маслаҳат қилдиким, бу зулмотга не турлук қилиб кириб чиқармиз деди. Ондин сунг борлари фикр билла бўлиб, не турлук кириб чиқарини билмадилар. Ондин сунг Искандар айди: бу чирикда ҳеч бир қари киши борму эркин, ондин сўрасак, шояд ул қари киши гажриба билан бу ишнинг тадбирини билғой эрди. Умаро ва аркон давлатлар барча айдиларким, сиз ҳукм қилиб эрдинизким, ҳеч қари киши келтурмасулар. Ул жиҳатдин бу чирикка қари киши келтурмадилар. Искандар айди: яхши мулоҳаза қилдинглар, шояд келмиш бўлғай, жарчилар чирикнинг атрофида жар урдилар, эрса ул йиғит айди: «Агар Искандар манинг гуноҳимдан ўтса, манинг бир қари отам бордурким, мандин айрилмади. Они ёшурун келтурубман. Ҳукм бўлса они олиб борурман», — деди. Бу хабарини Искандарга айдилар, эрса филҳол ул қари кишини Искандарнинг қошига келтурдилар, эрса Искандар анга кўб илтифотлар қилиб ондин сўрдиким, бу зулмотга не турлук кириб булурким, яна чиқа олғоймиз? Ул қари киши айди: «Эй подшоҳим, андог кирмоқ керакдурким, қудуқлуг кинероклар пайдо қилмоқ керакдур,

ондин сўнг қулунларини... лик ерда боғломоқ керак-  
дур ва опасини мишиб қоронгуликка кирмоқ керак-  
дур,— ул кисроклар қулунлари учун сизларни  
қоронгудини...ликга олиб чиқорур». Искандарга бу  
сўз маъқул бўлди. Ондин сунг кисрокларга мишиб  
қулунларини ташқарида боғлаб зулмотга кирди-  
лар ва яна саломат чиқдилар.

## Қ и т к а

Ҳеч ким устодсиз гонмос жаҳонда иззу жоҳ,  
Нечаким ҳашмат билла Искандари даврон эрур.  
Ҳар неча бўлса каломи комилу устоди фан,  
Ўз бошин қирқорда доим ожизу ҳайрон бўлур.

### „ГУЛЗОР“ КИТОБИНИНГ ХОТИМАСИ

Кел, эй ақлу хирадининг нуқтадоми,  
Эшит мандин ҳақиқат достони.

Ки тартиб айладим бир неча гуфтор,  
Эрур оти бу гулшан ичра «Гулзор».

Қадам эҳсон йўлида қўю, хайр эт,  
Бу гулзор ичиға кир, доғи сайир эт.

Териб ҳардам латофат гулларини,  
Тамошо қил анинг булбулларини.

Эрур ҳар гўшада қумриси нолон,  
Ки бор тўтиларин ҳам шақкар афшон.

Юрур юз ноз ила набки тазарви,  
Хиримон жилва айлар онда сарви.

Шукуфа ҳар тарафдин кўрсатур юз,  
Қилур ул боғ аро кечани кундуз.

Беҳи беҳбудини онда билиб жазм,  
Чамандини узга ерда қилмади азм.

Анор ўз шохидини кўрсатса рухсор,  
Чаман бўлур хижилу доғи гулзор.

Куб эрур бу чамани зебу зайни,  
Ки бордур доғи соҳиби, ҳусайни.

Қачонким айласа тўғи такаллум,  
Ани кўруб қилур гунча табассум.

Чекибдур шиқ нулида баче дард,  
Анинг учун эрур зардолиси зард.

Юзин гулзор аро кўрсатса раъно,  
Бўлур савсан анинг васфида гўё.

Чу пилуфаршинг эрур ишк-печон,  
Анинг учун бўлубтур ноз хандон.

Агар шаҳ деса анда олмани тут,  
Халойиқ олма олур, доғи шаҳтут.

Кўрунур олуболу онда яксон,  
Ки гўё, лаълу маржондур намоён.

Хазон тоғмас бу гулзор ичида йўл,  
Узатмасдур анга ташвини учун қўл.

Агар кезса бу гулзор ичра яксар,  
Урар мушти била они санаббар.

Келибон тутмогон деб анда маскан,  
Қилур гул ғунчасни онда кастан.

Киран андиша қилса онда ҳардам,  
Ёғоч бирла урар сарв они маҳкам.

Хазон осебини кўргач ўзига,  
Урар панжа билан онинг юзига.

Ғар этса арғувон сори назора,  
Сочар онинг сори юз минг шарора.

#### Ғ А З А Л

Кундуз авқотим санинг ҳажрингла полоп кеча-  
дур,  
Кечалар зулфунг каби ҳолим паршон кечадур.

Анбарни зулфунг хаёлидин кўзумга эй пари,  
Нилу ою соату кун бори яксон кечадур.

Улки жондин кечадур шамъи — вислоингни кў-  
руб,  
Ваҳ на хуш вақту на хуш соат, на осон кеча-  
дур.

Хожа янглиғ нола қил зулфи ғамидин кечалар,  
Ким маҳалли нолаю фарёду афгон кечадур.

#### Қ И Т Ў А Л А Р

Раят эрур мевалик бир яғоч,  
Сув берсанг анга, мева берур санго.  
Солур мевасину бўлур барғрез,  
Хазон елидек қилса анга жафо.



Ойнинг ҳар нечаким зоти касифу тийрадур,  
Меҳр агар назар солса бўлур бадри мушир,  
Заррадек жисмимга ул хуршидваш солса назар,  
Заррадек жисмим булур хуршид янглиг беназир.



Ҳар кеча бўлса тикан мужиби ташвишу зарар,  
Гул била бирга узуб бошиқа тикарлар ани бот.  
Гарчи тол шохчасидин мева намудор ўлмас,  
Чун набот ила қўшулса бўлур ул доғи набот.



Нечаким қадру шараф топти жаҳонда жоми жам,  
Булур ул жоми синеҳр оллида бенак сарпагун.  
Қайдаким чибчуқ малахни кўрса бўлур шоҳбоз,  
Лек шаҳбоз оллида бордур малахдин ҳам забун



Ой десам юз қатла ойдин яхшироқ юзи анинг,  
Шаккар илан шаҳддин ширини эрур сўзи анинг.  
Бир назарда душмани бадхоҳни айлар мутиъ,  
Ниваю ноз ила гар боқса қаро кўзи анинг,

#### Р У Б О Й Л А Р

Поранж суйи базм нчида мул бўлмас,  
Ҳар шура ниҳол қобили гул бўлмас.  
Юз минг йил гар фароғ ила тутса мақом,  
Ҳаргиз чаман нчра зоғ булбул бўлмас.



Сойилдин эвурма юз, даги эҳсон қил,  
Дардига табиблар каби дармон қил,  
Олам аро ҳарна мушкиле тушса санга,  
Лутф айлаю мушкул ишларни осон қил.

#### М А С Н А В И Й

Кимки санинг айбинги айтур санга,  
Шафқат ила лутфу карам қил анга,  
Дўстунг улдур, ани таҳқиқ бил,  
Ҳарна деса, сўзини тасдиқ қил.

Улки демас, ҳақ сўзини яширур,  
Макру ҳиял бирла қонингда юрур...

Қилма анга марҳамату илтифот,  
Ким йўқ анинг ҳеч ишида сабот.

Рост сўз ар таъинга келса ёмон,  
Дема ёмонки, эрур ул нўни жон.

Бу оламдин вафое кўрмадим ҳеч,  
Тирикликдин сафое кўрмадим ҳеч.

Чу фонийдур бу гардуни мудаввар,  
Ки бўлғусидур охир олам абтар,

Бу дамким, бордур умримда боқий,  
Бўлоӣ дедим бу базм аҳлина соқий.

Қилиб тартиб бир неча (ҳикоят,  
Ҳикоят аҳлидин айлай ривоят.

Ва гар яхши, ёмон ҳам бўлса боре,  
Ки биздин сўнгра бўлғой, ёдгоре.

*На узбекском языке*  
НОИШОХОДЖА  
ИЗ „МИФТАХУЛ-АДЛА“ И „ГУЛЗАР“.

*Гослитиздат УзССР — 1962 — Ташкент*

Редактор *М. Муинзода*  
Рассом *Э. Валиев*  
Расмлар редактори *Г. Есбарев*  
Тех. редактор *М. Парпихужаев*  
Корректор *Сулаймонов*

\* \* \*

Босмахонага берилди 27/XII 1960 й. Босишга рухсат этилди  
10 III 1961 й. Формати 70×92<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 1,676 Шартли бос-  
ма л. 1,90 Нашр л. 2,53. Индекс к/а. Тиражи 25000. УзССР  
Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30. Шартнома 179—60

„Кизил Узбекистон“, „Правда Востока“ ва „Узбекистонини  
Сўрх“ бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент,  
„Правда Востока“ кўчаси, 26. Заказ № 2215. Ёздоси 6 т.